

**XXI АСРДА БИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УЛАРДА
ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**



**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИОЛОГИИ
В XXI ВЕКЕ И ЗНАЧЕНИЕ В НИХ
ИННОВАЦИЙ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**XXI АСРДА БИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
ВА УЛАРДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Биология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси профессори Хударган
Мавлонов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган**

**Республика илмий анжумани материаллари
(2021 йил 15 апрель)**

**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИОЛОГИИ В XXI ВЕКЕ И
ЗНАЧЕНИЕ В НИХ ИННОВАЦИЙ
МАТЕРИАЛЫ**

**Республиканская конференция, посвящённая к 75-летию профессора
кафедры биологии и методики её преподавания Хударгана Мавлонова
(15 апреля 2021 года)**

Жиззах-2021

УДК: 581.5 (09)

ББК: 28.58 Г

Э-59

“XXI асрда Биологиянинг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари

Жиззах 2021. – 498 бет.

Таҳрир хайъати:, проф. п.ф.д. Ш.С.Шарипов, таҳрир хайъати раиси б.ф.н. доц. Қодиров Ғ., таҳрир хайъати ўринбосари проф., б.ф.д. Раҳмонқулов У. доц., б.ф.д. (PhD) Азимова Д.Э. б.ф.д. (PhD). Авалбоев О.Н. б.ф.д. (PhD). Абдуллаева Н.С. б.ф.д.(PhD). Ҳамраева Н.Т. Усанов У.Н.

Тўплам редакторлари: б.ф.д.(PhD)., доц. Азимова Д.Э., б.ф.д.(PhD). Авалбоев О.Н., б.ф.д.(PhD). Ҳамраева Н.Т.

Ушбу тўплам Жиззах давлат педагогика институтида 2021 йил 15 апрелда бўлиб ўтган Республика илмий анжумани материалларидан иборат.

Уларда флора, систематика ва юксак ўсимликлар географияси, биологикхилма-хилликни ўрганиш ҳамда ноёб, йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турларининг муҳофазаси, ўсимликлар қоплами, ресурсларини ўрганиш, структуравий ботаника, экология, интродукция, сув ва қуруқлик ценозлари ҳайвонларни ўрганиш, паразитлар ва энтомокомплекслари шакллантирувчи, ҳаракатлартирувчи тадқиқотларнинг замонавий муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Мақолалар тўплами илмий ҳодимлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахасислар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчи, талабалари ҳамда тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли фармойиши асосида нашрга тавсия этилган.

СОЯБОНГУЛДОШЛАР ОИЛАСИ АЙРИМ ВАКИЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ. *ELWENDIA* BOISS. ТУРКУМИ

А.Ўролов., И. Маматкулова

Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали

Ҳозирги кунда дунё микёсида доривор ҳамда муҳим хўжалик аҳамиятига молик бўлган турларнинг тадқиқ этиш ва уларнинг табиий флорадаги ўрнини аниқлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айнан шундай ўсимликлар каторига *Elwendia* Boiss. туркуми вакиллари киритиш мумкин. *Elwendia* туркуми - *Ariaceae* оиласи таркибига кириб, дунё бўйича туркумнинг 27 тури тарқалган [1]. Туркум вакиллари тарқалиш чегараси шарқий Туркиядан то ғарбий Хитой ва Ҳимолой тоғларининг шарқий қисмларигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади. Уларнинг келиб чиқишнинг асосий маркази сифатида Ўрта Осиё – Ғарбий Тиён-Шон ва Помир-Олой ҳудудлари эътироф этилади [2]. Марказий Осиё туркум вакиллари хилма хиллиги юқори бўлган минтақалардан ҳисобланиб, мазкур ҳудудда уларнинг 17 тури тарқалган. Ўзбекистон флорасида туркумнинг қуйидаги 12 тури тарқалган: *Elwendia angreni*, *E. capusii*, *E. kuhitangi*, *E. hissarica*, *E. chaerophylloides*, *E. intermedia*, *E. latiloba*, *E. persica*, *E. salsa*, *E. seravschanica*, *E. setacea*, *E. vaginata* [2]. Коровин (1959) маълумотларига кўра, мазкур турларнинг 7 таси *Vunium* туркуми таркибига келтирилган [3]. Систематик жиҳатдан туркум вакиллари *Vunium* туркумига яқин ҳисобланади. *Elwendia* туркуми ўзининг анатомик-морфологик тузилиши, ботаник-географик тарқалиши ва кариологияси орқали [4, 5] ҳамда молукуляр натижаларнинг таҳлили асосида *Vunium* L. туркуми таркибидан мустакил туркум сифатида ажратилган. *Vunium* вакиллари мевасининг йириклиги, икки паллани майсаларининг бўлиши, географик тарқалиши ва хромосомаларининг сони билан фарқланади. *Ariaceae* оиласининг бошқа туркумлари сингари *Elwendia* вакиллари ҳам маҳаллий аҳоли томонидан кенг микёсда фойдаланиб келинади. Эфир мойли ўсимликлар нафақат озиқ-овқат саноатида балки, халқ табobatiда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Эфир мойи таркибига эса углевод бўлиб, у ликёр ишлаб чиқаришда ва парфумерияда қўлланилади. Бундан ташқари мева таркибига 14-16% техник мой мавжуд. Уруги озиқ-овқат сифатида ва консерва ишлаб чиқаришда ва нон ёпишда қўлланилади. Бундан ташқари қора зира асал берувчи ўсимлик ҳисобланади. Зиранинг ташқи муҳит шароитига мослашувчанлиги иссиқликка талабчан эмас совуққа чидамли, биринчи йили барг дастаси даврида қишлайди, ҳам намсевар ҳам ёругсевар ўсимлик. Қора зира ўсимлигини ўз хонадонларимизда ҳам етиштиришимиз мумкин, бунда эрта баҳорда кенг қаторлаб, 45-60 смда экилади. Экиш чуқурлиги 2-3 см бўлиб, гектарларга 4-5 миллион уруг қадалади. Экинларни парвариш қилишда қатор ораларига ишлов берилади. Қаткалок йўқотилади. Иккинчи йили эрта баҳорда барона қилинади. 60% меваси етилганда ҳосил дон қонбайнлари билан йигилади. Сақлашда эса уруг намлиги 12%дан ошмаслиги керак. Зира туркумининг яна бир вакили Қўнғир зира ҳам соябонгулдошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 60-100 см келадиган бир йиллик ўт. Пояси битта, ариқчали юмшоқ, калта тукчали, паншахасимон шохланган бўлади. Баргининг ҳар иккала томона тук билан қопланган, узун ва ингичка бандли, думалок, юраксимон тишчали поясининг пастки қисмидаги барглари 3-5 та бўлади. Соябон 4 см

узунликда, 10-25 нурли, ўрама баргсиз тарвақайлаган бўлади. Соябончалари 12-20 гулли, гулбанди тукли. Уруги 2 мм, тухумсимон, тукли, қиррали бўлади. Қўнгир зира июн-июл ойларида гуллайди уруги эса июн-июл ойларида пишади. У ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида зах ерларда, тоғ олди қисмларида тарқалган. Махаллий халқлар қўнгирзира уругини турли-туман таомларга ишлатадилар. Тиббиётда ундан балгам кўчирувчи дори сифатида ҳамда бошқа дориларга ёқимли ҳид ва таъм бериш учун фойдаланадилар чунки унинг барча қисмларида эфир мойлари мавжуд. Илдизида 0,002-0,7%, уругида 1.6-3% эфир мойи бўлади. Эфир мойлари жуда ёқимли ҳидга эга бўлиб ширин таъмлидир. Унинг асосининг анетол ташкил этади. Ўсимлик уругида смола, крахмал, шакар моддалари ва 22% ёғ бўлади. Қўнгир зирадан вино, ликёр ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари халқ табobatiда зира уругининг қайнатмасидан камқонликда, меъда огриганда, дизентерия, сурункали жигар касалликларида қойдаланилади. Шунингдек у кўз кувватини ошириш хусусиятига ҳам эга. Илмий медитценада ҳам зирадан фойдаланилади. Зира меваси одамнинг меъда ичак системаси фаолиятининг яхшилаш билан бирга безлар секретциясининг фаолиятини уйғунлаштиради. Қора зира мойи организмдаги зарали микробларга қарши курашади. Унинг яна бир яхши томони овқат ҳазм қилиш безларининг фаолиятини яхшилади, ўт ажралишига ёрдам беради. Қора зирадан тайёрланган дамлама кабзиятда, метиоризмда, колит ва бошқа сурункали ичак касалликларини даволашда муҳим аҳамиятга эга. Қора зиранинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ҳам катта. Жумладан беда билан зира кўшиб экилган ерларга боқилган қорамол ва биялар қанчалик тўймасин, бўкиб қолмайди, балки вазни ортиб, сути кўпаяди. Қора зира молларда тез-тез учраб турадиган қориннинг дам бўлиш касаллигини олдини олади.

Шундай экан бундай аҳамиятли ўсимликларни ҳар томонлама ўрганиш, мониторинг олиб бориш, уларнинг табиий заҳиралари аниқлаш ҳамда истиқболли турларини кўпайтириш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <http://www.plantsoftheworldonline.org/>
2. Ключиков Е.В., Тожибаев К.Ш., Лысков Д.Ф. Род *Elwendia* Boiss. (Apiaceae) во флоре Узбекистана. *Turczaninowia* 21 (2): 210–220 (2018)
3. Коровин Е. П. Umbelliferae // Флора Узбекистана. Т. 4. Ташкент: Изд-во Академии наук УзССР, 1959. С. 257–470).
4. Vasil'eva M. G., Kljuykov E. V., Pimenov M. G. 1985. Karyotaxonomic analysis of the genus *Bunium* (Umbelliferae). *Plant Syst. Evol.* 149: 71–88
5. Ключиков Е. В. Обзор рода *Bunium* L. Ревизия системы рода // Бюл. МОИП. Отд. биол., 1988. Т. 93, вып. 1. С. 76–88.

86	Z.A. Yangiboeva, U. Rahmonqulov, O.A. Bozorboyeva O'ZBEKISTONDA UCHRAYDIGAN KOVRAK (<i>FERULA L.</i>) TURLARINING BIOMORFOLOGIK HUSUSIYATLARI.....	255
87	Xurramov O.G., Islamov B.S. SAMARQAND VILOYATI SHAROITIDA GLYCYRRHIZA <i>GLABRA L.</i> NING BA'ZI BIOLOGIK XUSUSIYATLARI..	257
88	У.О. Худанов, Ш. Ўразов, Д. Умматова. ДУБЛЕНИЯ КОЖИ С ЭКСТРАКТАМИ ГРАНАДА.....	261
89	Х.Э. Эргашева, Н. Тождидинов. БЎЁҚ БЕРУВЧИ АЙРИМ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	262
90	У.Н. Усанов, М.Р. Раҳимов, Ф.З. Халимов, Н.Умиров. КОВРАК (<i>FERULA KUHISTANICA</i>) ГЕНЕРАТИВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЗАРАКУНАНДАЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР.....	265
91	А.Ўролов., И. Маматкулова СОЯБОНГУЛДОШЛАР ОИЛАСИ АЙРИМ ВАКИЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ. <i>ELWENDIA VOISS.</i> ТУРКУМИ.....	268
92	М.А. Маматқобилова, О.Н. Авалбаев. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ КЕМИРУВЧИЛАР (<i>RODENTIA</i>) ТУРКУМИ ГЕЛЬМИНТОФАУНАСИНИНГ ЭКОЛОГИК-ФАУНИСТИК ТАҲЛИЛИ.....	270
93	О.Н. Авалбаев, М.А. Маматқобилова, З. Марданов, Н.Ў. Эркинова. ЗОМИН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ ҲУДУДИДА УЧРАЙДИГАН <i>FERULA L.</i> ТУРКУМИ ТУРЛАРИ.....	274
94	A.O' Sindorov, G.M. Amonboyeva, Q.A. Turatov. OQ AMUR BALIGЭ-I-СТЕНОРНА <i>RYNGODONIDELLA</i> NING BIOLOGIYASI VA UNDA PARAZITLIK QILADIGAN AYRIM GELMINTLAR.....	278
95	У. Раҳмонқулов, М.А. Халқузиева. <i>FERULA TADSHIKORUM</i> PIMENOV VA <i>FERULA FOETIDA</i> (BUNGE) REGEL ТУРЛАРИНИНГ ЛАТЕНТ ДАВРИ.....	280
96	D.I. Mustafaqulova, O.Q. Ismatullayev, Z.I. Qurbonbekova. SHIFOBAXSH DORIVOR ОЭСИМЛИКЛАРНИ ТАЙЙОРЛАШ, ҚУРИТИШ VA SAQLASH..	283
97	А.Б. Нозимова. ДЕКОРАТИВНЫЕ СВОЙСТВА ПАВЛОНИИ ВОЙЛОЧНОЙ.....	285
98	S.X. Mavlonova, G.B. Matmuratova, F.A. Norqulova. АРРАВОДИҲОННИНГ СИЗ ВИЛМАГАН АҲОЙИВ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	287
99	Г.Б. Матмуротова, Ф.А. Норқулова, М.Т. Жўрақулова. СОЯ ЎСИМЛИГИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ.....	289
100	А.Р. Батошов. ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ҚИЗИЛҚУМ ҚОЛДИҚ ТОГЛАРИ ЎСИМЛИКЛАР ҚОПЛАМИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	293
101	Abrorova Maftuna. ANTIBIOTIC RESISTANCE.....	294
102	Х.Умурзақова, Ё.Қаюмова. ФАРГОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА АНОР БУТАСИНИНГ МУҲИМ ЗАРАКУНАНДАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ҲОС БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	296
103	T.R. Shodmonov, A.M. Мардиев. ZOMIN DAVLAT QO'RIQXONASIDAGI ENDEM TURLAR.....	298
104	Ф.Т. Раббимова, Д.М. Махаммадиев, З.А. Алимухаммедова, С.Б. Норқўзиева. БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШ ВА УНИ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ЎРНИ.....	300